

“Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир” – ғояси асосида эътибор берилиши лозим бўлган масалалар юзасидан вилоят ҳокими К.Б.Турсуновнинг ҳисоботи

**Ассалому алайкум ҳурматли Депутатлар,
Сессия иштирокчилари, қадрли дўстлар,**

Бугунги Сессия йиғилишини Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 8 декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллик байрами табригида – **“Халқимиз ҳаётини янада обод ва фаровон қилиш, юртимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсонга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш – давлатимиз ва жамиятимизнинг бош вазифасидир.”** – деган фиклари билан бошламоқчиман.

Чунки, ана шундай юксак ғояга асосланган ушбу тизим дунё шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги мураккаб вазиятда турли таҳдид ва синовлар, жумладан, мамлакатимизда глобал **пандемияга қарши курашда** ҳамда табиий ва техноген офатларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзини тўла оқлади.

Шу нуқтаи назардан, олдимизга қўйилган вазифаларни виждонан бажаришда, Мамлакатимиз қонунлари, Давлатимиз раҳбари ва Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳужжатлар дастурил амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокимлигига кириб қилинган ҳужжатлар сони **471 та**ни ташкил этиб, шундан, **47 та Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 62 та фармонлари, 121 та қарорлари** ва **7 та фармойишлари** ҳамда Ҳукуматнинг **234 та қарор** ва фармойишларининг ижроси таъминланиб келмоқда.

Натижада вилоятда барча соҳаларда залворли ўзгаришлар амалга оширилмоқда, бу эса навбатида халқимизнинг давлат органларига бўлган ишончини янада оширмоқда.

Жорий йил якунлари билан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми (49 трлн сўм) **104,9 фоизга**, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (63 трлн сўм) **106,0 фоизга**, ҳудудий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари (4 трлн сўм) **112,5 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (12 трлн сўм) **103,4 фоизга**, қурилиш-пудрат ишлари (4 трлн сўм) **100,9 фоизга**, хизматлар ҳажми (5 трлн сўм) **104,6 фоизга** ўсишига эришилди.

Аҳоли жон бошига эса ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2019 йилга нисбатан 12 млн сўмга ошиб **49 млн** сўмни ташкил этиши ёки **104,9 фоизга** ўсиши, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2019 йилга нисбатан 18 млн сўмга ошиб **63 млн** сўмни ташкил этиши ёки **106,0 фоизга** ўсиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 2 млн сўмга ошиб **12 млн** сўмни (**103,4%**), инвестициялар ҳажми 1,5 млн сўмга ошиб **19 млн** сўмни (**117,6%**), чакана савдо айланмаси **7 млн** сўмни (**102,2%**), хизматлар ҳажми 0,5 млн сўмга ошиб **6 млн** сўмни (**104,6%**) ташкил этди.

Буларнинг натижасида, жорий йил якунлари билан **аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот** ҳажми, **саноат** маҳсулотлари ишлаб чиқариш, **инвестициялар**, ўртача ойлик иш ҳаққи борасида **Республикада 1-ўринда бўлса, қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари ишлаб чиқариш, кўрсатилган **хизматлар**, қурилиш ҳамда **чакана савдо айланмаси** ҳажмлари бўйича **2-ўринни**, **халқ истеъмол моллари** ҳамда **маҳсулот ва хизматлар экспорти** эса **3-ўринни** эгаллаб келаётганлиги **ғурур ва ифтихор билан биргаликда улкан масъулият ҳам юклайди.**

Ҳурматли йиғилиш иштирокчилари,

Ўтган давр мобайнида пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқларини, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини узлуксиз ишлашини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар тарафлама қўллаб-қўллаб қувватлаш бўйича сектор раҳбарлари ва бошқа мутассади ташкилотлар билан биргаликда бир қатор ишлар олиб борилди.

Жумладан, вилоятдаги **148 537 та** юридик ва жисмоний шахсларнинг **702,3 млрд сўмлик** банк кредитлари кечиктирилди, **19 677 та** тадбиркорларга **111,5 млрд сўмлик** солиқ имтиёзлари берилди.

Пандемия даврида аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида жами **49 млрд сўмлик** маблағлар йўналтирилди.

Шундан, “**Саҳоват ва кўмак**” жамғармасидан **25,3 млрд. сўмлик**, “**Меҳр ва шафқат**” жамғармасидан жами **4,5 млрд. сўмлик**, **Инқирозга қарши кураш жамғармасидан** темир дафтарга киритилган эҳтиёжманд оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида **19 млрд сўмлик** маблағлар йўналтирилди.

Ушбу жамғармаларга маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **13,3 млрд. сўмлик** маблағлар йўналтирилган.

Бундан қашқари, Юридик ва жисмоний шахслар томонидан натура шаклида кўрсатган **2 млрд. сўмга** яқин бағараз ёрдамлар кўрсатилди.

Ушбу натижаларга эришишимизнинг негизида, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, жорий йил бошида 2020-2022 йилларда вилоятда қиймати **66,9 трлн. сўмлик 1 133 та** саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига **23 445 та** янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб ижрога қаратилган эди.

Шундан, **14,3 трлн** сўмлик **1092 та** худудий лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида **19 215 та** янги иш ўринлари яратилади.

Шундан, 2020 йилнинг ўзида умумий қиймати **16 трлн. сўмлик 669 та** лойиҳалар ишга туширилиши белгиланган бўлиб, амалда **698 та** лойиҳаларнинг ишга туширилиши ҳисобига **9046 та** янги иш ўринлари ташкил этилди. (*4,1 трлн сум кредит маблағи*)

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес соҳаси ва йирик лойиҳаларини қўллаб қувватлаш мақсадида **3,9 трлн сўмлик** кредит маблағлари ажартилди.

Маълумки, Навоий вилояти Республикамизда саноат соҳаси ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Вилоятмиз саноати Республикада ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотларининг бешдан бирини ташкил этади.

Биз ушбу йирик саноат корхоналаримиз томонидан ишлаб чиқарилаётган хом ашё имкониятларидан фойдаланиб, ушбу хом ашёлардан тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Бунинг учун вилоятдаги мавжуд **6 та**, кичик саноат зоналаридан ташқари 2021 йилда яна **6 та** туман ва шаҳар ҳудудларида янги кичик саноат зоналарини ташкил этиб, улар сонини **12 тага** етказишимиз муҳим аҳамият касб этади. (*18,1%*)

Бугунги кунда, вилоятда мавжуд 6 та кичик саноат зоналари майдони **48,6 гектарни**, уларга жойлаштирилган лойиҳалари сони **24 тани**, лойиҳалар қиймати **287,5 млрд сўмни**, ишлаб чиқариш қуввати **293,1 млрдни сўмни** ташкил этган бўлса, 2020-2021 йилларда майдони **61,0 гектар** бўлган 6 та янги кичик саноат оналарида умумий қиймати **753,6 млрд. сўмлик** йилига **954,6 млрд. сўмлик** маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган **227 та** инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши ва жами 5269 янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Кичик саноат зоналаридаги йирик лойихалар бирини мисол тарикасида келтирадиган бўлсак, Хатирчи туман кичик саноат зонасидаги **“Хатирчи Textile”** МЧЖ нинг лойиҳа қиймати **230,8 млрд. сўмни, ишлаб чиқариш қуввати 158,7 млрд. сўмни ташкил этувчи** ип калава, бўялган ип ва тайёр мато ишлаб чиқариш лойиҳасининг фойдаланишга топширилиши ҳисобига **1000 нафардан ортиқ** хотин-қизларимизнинг бандлиги таъминаниши яққол мисолдир.

Саноат соҳасини ривожлантиришда - **янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш**, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ҳажмининг ошиши натижасида импорт маҳсулотларининг камайиши, энергия самарадор технологиялар муҳим рол ўйнайди.

Вилоятдаги саноат корхоналари томонидан 2020 йилга қадар вилоятда **44 трлн. 550 млрд. сўмлик 415 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.**

Жорий йилнинг ўзида маҳаллийлаштириш дастуридаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳисобига **58 турдаги 227 млрд. сўмлик** янги турдаги импорт ўрнини босувчи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, натижада **22 млн. доллар** эквивалентидаги валюта тежалишига эришилди.

Янги турдаги ўзлаштирилган маҳсулотларнинг **22** таси машинасозлик, **7** таси металлургия, **12** таси кимё ва маиший кимё, **7** таси электротехника, **8** таси тўқимачилик саноатида ҳамда **1** тадан қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноати йўналишларига тўғри келади.

Бундан ташқари, вилоятда **энергия самарадор технологияларни жорий қилиш** бўйича ҳам **3 трлн. 467,4 млрд сўмлик 90 та** лойиҳалар амалга оширилди. Улар томонидан **2 трлн. 187 млрд. сўмлик** энергия тежовчи технологиялар олиб келинди. Натижада, **242 млрд. сўмлик** электр энергияси ва **305 млрд. сўмлик** табиий газ иқтисод қилинди.

ЎХурматли Депутатлар,

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш, хусусий мулк устуворлиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида мустақкам ҳуқуқий асос яратиб берилди.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирознинг иқтисодиёт, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятига таъсирини юмшатиш ва бизнес вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг

20 га яқин Фармон ва Қарорлари қабул қилинди.

Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, **“Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади”**. Шундан келиб чиқиб, барча раҳбарлар **“Ҳар бир тадбиркорга – кўмақдош, елкадош ва мадакқормиз!”** ғояси асосида ишлар тизимли ташкиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ташкил этилган **“корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси”га** соҳадаги кўплаб муаммоларнинг ечим топишига қулай замин яратади.

Биргина мисол, бугунги кунгача, тадбиркорлардан келиб тушган **жами 2861 та** мурожаатлардан **2804 тасининг** (*жамига нисбатан 98,0 фоиз*) мурожаатлари қаноатлантирилди.

Буларнинг натижасида, вилоятда мустақиллик давридан бошлаб 2018 йилгача бўлган **27 йил вақт мобайнида** кичик бизнес субъектлари сони **7788 тани** ташкил этган бўлса, **ўтган уч йилда** уларнинг сони қарийб **уч баробарга ортиб 18 875 тага** етганлиги бунинг яққол далилидир.

Шундан, 2017 йилда **1228 та** кичик бизнес субъектлари янгидан ташкил этилган бўлса, 2020 йилнинг ўн бир ойи даврида **3997 та** кичик бизнес субъектлари янгидан ташкил этилди.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий локомативи бу – тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағлари ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, жорий йил ўтган даврида кичик бизнес субъектларига **2 трлн. сўм** миқдордаги кредит маблағлари йўналтирилди.

Янгидан ташкил этилган 4 010 та кичик бизнес субъектлари ҳисобидан бюджетга жами **6,8 млрд.сўмдан** ортиқ тушум туширилиб қўшимча **5,1 мингга** яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ташкил этилган жами **3 997 та** кичик бизнес субъектларининг **839 таси** саноат, **747 таси** қишлоқ хўжалиги, **195 таси** қурилиш, **1 578 таси** савдо, **92 таси** ташиш ва сақлаш, **193 таси** яшаш ва овқатланиш, **51 таси** ахборот ва алоқа, **39 таси** соғлиқни сақлаш ҳамда **263 таси** бошқалар.

2020 йилда янги ташкил этилган **3 997 та** кичик бизнес субъектларидан **2 165 таси** МЧЖ, **881 таси** хусусий корхона, **905 таси** оилавий корхона, **45 таси** ишлаб чиқариш кооперативи ва **1 таси** унитар корхонани ташкил этади.

Вилоятда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши қадим тарихга бориб тақалади, чунки бу юртда қадимдан ҳунармандчилик соҳаси ривожланган бўлиб, Хитойдан тортиб Европагача ҳунармандчилик маҳсулотлари сотилганлиги тарихдан маълум.

Бугунги кунда, вилоятда **4774 нафар уста ҳунармандларимиз** (**961 таси** уста ҳунарманд, **3813 таси** шогирдлар) ота-боболаримиздан ўтиб келаётган ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб келмоқдалар.

Ушбу соҳа вакилларига қулай шарт шароитлар яратиш мақсадида Кармана ва Нурота туманларида “Ҳунармандчилик марказ”лари ташкил этилган.

Бундан ташқари, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш орқали уларнинг бандлини таъминлаш мақсадида **2829 нафар** аҳоли касб-ҳунарларга ўқитишга жалб қилинди.

Жумладан, Навоий шаҳрида ташкил этилган мономарказда **809 нафар** аҳоли, Навбахор, Қизилтепа, Кармана Хатирчи, Нурота тумани ҳамда Ғозғон шаҳрида аҳолини касб-хунарга ўқитиш масканларида эса **299 нафар**, ҳудудлардаги бошқа ўқув марказлари ва нодавлат, нотижорат ташкилотларда (шартнома асосида) **1238 нафар**, ҳудудлардаги ҳунарманд уюшмалари орқали

461 нафар, Тошкент ва Самарқанд КОЙКА марказида **22 нафар** аҳоли касб-хунарларга ўқитишга жалб қилинди.

Аҳолини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида "Ҳар бир оила - тадбиркор" дастури доирасида **8 796 нафар** аҳолига **209,5 млрд. сўмлик** кредит маблағлари ажратилди.

Давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш масаласи бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг негизи ҳисобланади.

Шу боис, **2020 йилда вилоятда Давлат улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш мақсадида умумий қиймати 912,9 млрд.сўмлик 30 та** бўш турган давлат объектлари ҳамда давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларидаги давлатга тегишли акция пакетлар электрон онлайн савдо майдончасида савдога чиқарилди.

Бугунги кунда, савдога чиқарилган давлат активларидан **19 таси 37,6 млрд.сўмга 255 нафар янги иш ўринлари** яратиш шarti билан хусусийлаштирилди.

Қолган **11 та** давлат активлари савдоларга чиқарилди.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланишида рақамли технологияларни жалб этиш масаласи устувор вазифа саналади.

Биргина, **IT соҳасини ривожлантириш** бўйича гапирадиган бўлсам, Зарафшон шаҳрида Япониянинг нуфузли компанияси билан ҳамкорликда "Ахборот технологияси академияси" ўз ишини бошлади. Энг муҳими бугун

150 нафардан зиёд ёшларимиз бу даргоҳда бепул таълим олишмоқда.

Бундан ташқари мазкур компания билан вилоятнинг қолган шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўртасида “Ахборот технологияси академияси”ни ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди.

Шундан келиб чиқиб, жорий йилда вилоятимизнинг Кармана, Хатирчи, Қизилтепа ва Нурота туманларида Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, **жами марказлар сони 5 тага** етказилди.

Уларда **400 дан** ортиқ ёшлар билим ва кўникма олиб, **121 нафари** ўқув курсларни мувафақиятли тамомлади, Ҳозирда **280 нафардан** ортиқ ёшлар ўқув машғулотларини давом эттирмоқда.

Бундан ташқари, Интернет провайдерлар томонидан вилоятнинг шаҳар ва туманлари марказларининг аҳоли гавжум ҳудудларида бепул **Wi-Fi** хизматлари ташкил этилди. Натижада Навоий шаҳридаги 100 мингга яқин аҳоли **Wi-Fi** хизмати билан қамраб олинди. Мазкур **Wi-Fi** хизматлари 2021 йилда вилоятнинг Зарафшон шаҳрида ҳам амалга ошириш мақсад қилиб олинди.

Ҳудудларни рақамли трансформация қилиш мақсадида маҳаллий бюджетнинг **1,5 млрд. сўмлик маблағлари** ҳисобига Қизилтепа ва Хатирчи туманларида **43 та** лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Қизилтепа туманида **740 млрд. сўмлик** маблағлар ўзлаштирилиб, дастур параметрлари тўлиқ бажарилган бўлса, Хатирчи туманида **750 млн.сўм** маблағлар ҳисобига **21 та банддан** иборат тадбирлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятда **IT соҳасини ривожлантириш мақсадида 1 033 км** оптик толали алоқа кабелларини тортиш ишлари олиб борилди.

“Бир миллион дастурчи” лойиҳасида Навоий вилояти аҳолиси етакчилиқни бошқа вилоятларга бермасдан келмоқда.

Жумладан, uzbekcoders.uz порталидан вилоят бўйича рўйхатдан ўтганларнинг умумий сони **13 600 га** яқинни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич билан вилоятлар ичида биринчи ўринда, республика ҳудудлари ичида (Тошкент шаҳридан кейин) иккинчи ўринда бормоқда. Шунингдек, вилоят бўйича иштирокчи сертификатини олганлар сони **9 757 тани**, битирувчи сертификатини олганлар сони **4 142 тани** ташкил этади.

Вилоятда экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда янги турдаги маҳсулотларни экспортга жалб қилиниши бўйича жорий йил учун **140,2 млн. Доллар** маҳсулотлар экспорти режалаштирилган бўлиб, амалда амалда **126,0 млн. доллар** маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса **1,5 баробарга ошди**.

Бунда, Саноат маҳсулотлари **103,2 млн. долларни**, мева-сабзавот маҳсулотлари **21,8 млн. долларни** ташкил этди.

Жорий йилда вилоят экспортёр корхоналари томонидан жаҳоннинг **27 та** мамлакатига экспорт амалга оширилиб, Италия, Чехия, Латвия ва Молдова бозорлари янгидан ўзлаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари асосида маҳаллий бюджет режасининг орттириб бажарилган қисмининг ҳудудлар ихтиёрида қолдирилиши, кўплаб йиғилиб қолган муаммоларнинг ечилишига қулай замин бўлиб хизмат қилди.

Натижада ўтган 3 йил давомида **1,3 трлн. сўмга** яқин маблағлар вилоятимиз ҳудудлари ихтиёрига қолдирилганлиги аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга қаратилган чоратadbирларни амалга оширишга туртки бўлди.

Ўтган 2018-2019 йил давомида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **827 млрд. сўмлик 51 та** ижтимоий соҳа ва **167 минг км.** инфратузилма объектларида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 2020 йилда ҳам **464 млрд. сўмлик 30 та** ижтимоий соҳа ва **75 минг км.** инфратузилма объектларида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган эди. Бироқ, пандемия сабабли ушбу тадбирларни амалга оширишнинг имкони бўлмади.

Пандемия инқирозидан сўнг келгуси йилларда мазкур тадбирларни амалга оширишни аниқ қилиб режалаштриб олганмиз.

Жорий йилда **бунёдкорлик ишларини олиб бориш мақсадида, 745 млрд. сўмлик инфраструктуравий, ижтимоий-маданий** ва бошқа объектлар, уй-жойлар қурилиши ишлари олиб борилди.

Бунда, **18 та** мактаб, **14 та** боғча, **11 та** тиббиёт муассасаси, **9 та** маҳалла гузарлари, **1792 та** уй жойлар (*354 таси намунавий, 426 таси шаҳарларда арзон уй-жойлар ҳамда 1012 таси тижорат уйлари*) ва **13 та** бош объектларда қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса, **601 км** автомобил йўллари, **78 км** ичимлик сув тармоқлари, **626 км** электр тармоқлари, **6 км** табиий газ тармоқлари тортилди.

Биргина мисол, Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Ғозғон шаҳрига вилоятга бўйсунувчи шаҳар мақомининг берилиши, ушбу ҳудуддаги фойдаланилмасдан келаётган табиий захиралардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Шу нуқтаи назардан, Ғозғон шаҳри “Мармаробод” маҳалласида қимати **2 млрд.сўм** бўлган **16,4 км** ичимлик сув тармоқлари реконструкция қилинди.

Аҳолининг кайфиятига таъсир этувчи яна бир муҳим омил иш жойларини ташкил этиш ва ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш орқали ишсизлик даражаси ва норасмий бандлар сонини камайтириш масаласи ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунга қадар **94,3 минг** нафар аҳолининг бандлигини таъминлашга эришилди.

Бунда, аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, **16,0 минг нафар** ҳамда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ташкил этилган корхона ва микрофирмалар ҳисобига **15,3 минг нафар аҳолининг** бандлиги таъминланди. кил этилди.

Шу билан бирга, норасмий иш ўринларини аниқлаш ва **легаллаштириш** бўйича **27,8 минг** нафар ва **ўзини-ўзи банд қилиш** бўйича **14,5 минг** нафар фуқаролар расмийлаштирилди.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан **20,7 минг** нафар **ишсизлар** жамоат ишларига жалб қилинди ва уларга иш ҳаққи тўлови учун **18,1 млрд.сўм** тўлаб берилди.

Амалга оширилган чоралар натижасида вилоятда ишсизлик даражаси (**10,6% дан 9,5%**) **1,1%** га камайтирилди.

Вилоятда “**Темир дафтар**”га киритилган оилалар, уларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликдан чиқариш, “**Аёллар**” ва “**Ёшлар**” дафтарларини шакллантириш бизнинг энг муҳим вазифаларимиз саналади.

Бироқ, ҳукумат томонидан бериладиган ижтимоий ва моддий ёрдамлар ҳисобига камбағаллик қисқартириб бўлмаслигини бутун дунё тажрибаси кўрсатиб берган.

Шулардан келиб чиқиб, камбағал оилаларга фақатгина моддий ёрдамлар бериб эмас, балки уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб этиш масалалаи бўйича ишларни тизимли ташкил этдик.

Жумладан, вилоятда **268 минг 809 та** оилаларнинг яшаш шароитлари ўрганилиб, улардан эҳтиёжманд ҳисобланган **19 минг 427 та** оила (**80 минг 972 нафар** оила аъзоси) “**Темир дафтар**”га киритилди. Эҳтиёжманд оилалар таркибида бўлган **22 минг 324 нафар** меҳнатга лаёқатли ишсизлардан **22 минг 311 нафари** ёки **99,9 фоизи**ни бандлиги таъминланди.

Халқ депутатлари туман(шаҳар) Кенгашининг **44 та** тегишли қарорлари билан қўшимча даромадлар манбаи яратилган **17 минг 491 та** ёки режа (**19 минг 427 та** оилалар)га нисбатан **90 фоиз** эҳтиёжманд оилалар “темир дафтар”дан чиқарилди.

Эҳтиёжманд оилалар қўллаб-қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПФ-6038-сонли Фармонида асосан **8 минг 332 та** эҳтиёжманд оилалардаги **33 минг 917 нафар** фуқароларга **7,4 млрд. сўм** ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 июлдаги 346-Ф-сонли фармойишга кўра **6 минг 832 та** оилаларга **5,0 млрд.сўмлик** моддий ёрдам маблағлари тарқатилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 августдаги ПҚ-4815-сонли қарорига асосан “темир дафтар”га киритилган **7 минг 271 та** оилалардаги **16** ёшгача тўлмаган **13 минг 756 нафар** болаларга **6,9 млрд.сўмлик** моддий ёрдам пуллари берилди.

Бугунги кунда **“темир дафтар”га** киритилган **1 минг 936 та оила**лар бўлиб, уларни камбағалликдан чиқариш бўйича чоратадбирлар кўрилмоқда.

Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар **"ёшлар дафтари"** ва **"аёллар дафтари"**га киритиш бўйича хатлов ишлар тўлиқ якунига етказилган бўлиб, ушбу темир дафлатларга тушган **34 минг** нафардан зиёд аёллар ва ёшлармииз билан ишлаш бўйича тегиши чоралар кўрилади.

Ҳурматли фаоллар,

Қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳақида гапирганда – ушбу соҳада Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар натижасига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

Чунки, ушбу соҳани кескин ривожлантириш учун ҳар бир йўналиш бўйича кластерларнинг ташкил этилиши бунинг яққол далилидир.

Бунда **биринчи марта вилоятимизда** пахтачилик кластери синов тариқасида ташкил этилиб,–ўзини тўла оқлаганлиги учун ғаллачилик, пиллачилик, чорвачилик ҳамда мева-сабзавотчилик соҳаларида ҳам кластерлар фаолияти йўлга қўйилди.

Буларнинг натижасида, жорий йилда **207,3 минг тонна** ғалла, **101,8 минг тонна пахта хирмони яратилди.**

194,7 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 69 минг тоннадан ортиқ мева, 913 тонна пилла етиштирилиб, белгиланган режалар ортиғи билан бажарилди.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари аҳоли истеъмоли учун белгиланган меъёрларидан ортиғи билан етиштирилмоқда.

Жумладан, етиштирилган **картошка** эҳтиёжга нисбатан **1,7 мартани, пиёз 1,8, сабзи 3,1, мева 1,7, полиз экинлари 5,3, узум 4,8, гўшт 2,4, сут 3,6, тухум 1,7,** ва **балиқ маҳсулотлари 1,3 марта** кўпни ташкил этади.

Етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички истеъмомдан ортиқча қисмини бошқа ҳудудларга ҳам сотилиши билан биргалиқда **19,9 млн. АҚШ доллари** қийматидаги мева сабзавот **15 дан ортиқ** давлатларга экспор қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур кўрсаткичлар 2017 йилга нисбатан қарийб икки баробарга ошишига эришилди.

Биргина **гуруч** маҳсулотининг вилоятда етиштиришда сув лимитининг чекланганлиги сабабли, ушбу маҳсулотга бўлган талабни қондириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида шоли экилди.

Шу билан бирга, республиканинг бошқа ҳудудларидан аҳоли эҳтиёжи учун ушбу маҳсулотларнинг келтирилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, вилоятимизнинг барча туманларида чорвачилик соҳасини ривожлантиришдаги кенг имкониятлар туфайли сўнгги йилларда **479,1 минг** бош қорамоллар, **2,3 млн. бош** қўй ва эчкилар,

20,3 минг бош отлар ҳамда **3,0 млн.дан ортиқ** паррандалар парваришланмоқда.

Қизилтепа туманини балиқчиликка ихтисослашуви бўйича ҳам илк қадамлар ташланган бўлиб, туманда балиқчилик йўналишига ихтисослашган жами **13 та** лойиҳа ташабускорлари Хитой технологияси асосида бир гектардан **90-100 тонна** балиқ етиштириш йўлга қўйилди.

Худди шундай, **Хатирчи туманини асаларичиликка ихтисослаштирилган туманга айлантириш** мақсадида **“Асалари кластер” маъсулияти чекланган жамияти** ташкил этилиб, ушбу жамият томонидан бугунги кунга қадар **1000 дан ортиқ** асалари қутиси қарийб **100 та** хонадонларга етказиб берилди.

Корхона томонидан Хитой давлатидан асални қайта ишлаб қадоқлаш ускуналари олиб келиш бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Шу каби амалга оширилган ишлар наижасида, юқорида таъкидлаганимдек, **аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги** маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича **Республикада 2-ўринни** эгаллаб келмоқда.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда вилоятнинг салоҳиятини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Чунки, вилоятнинг умумий ер майдони **10,9 млн** гектарни ташкил этса, шундан суғориладиган ер майдони **123,1 минг** гектар ёки **1,1 фоизни** ташкил қилиши олдмизда жуда катта вазифалар турганлигини англатади.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг фойдали иш коэффицентини ошириш мақсадида инвестиция дастури бўйича мелиоратив объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича **37 та лойиҳада 46 млрд 675,8 млн.сўм** маблағ ўзлаштириш ҳисобига **229,7 км узунликдаги 5 018 гектар**

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати барқарор сақланишига эришилди.

Қишлоқ хўжалигида Сув тежамкор технологияларни жорий этиш бугунги куннинг талаби ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, вилоятда **2746 гектар** майдонларида томчилатиб ҳамда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Бунда, **1835 гектар** пахта майдонларида, **551 гектар** боғ ва токзорларда, **206 гектар** озуқа экинлари учун томчилатиб ҳамда **154 гектар** майдонда ёмғирлатиб суғориш технологияси жорий этилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг суғориш мавсумида вилоят бўйича **5 000 гектар** майдонда кўчма эгилувчан қувурлар орқали суғориш тизими жорий қилинди.

Ушбу мақсадлар учун **13 млрд. сўмлик** субсидия маблағлари ажратилди.

Ичимлик ва оқава сув тизимларини яхшилаш борасида ҳам ишлар давом эттирилмоқда.

Вилоятда марказлашган ичимлик суви билан таъминланиш даражаси **69 фоизни ташкил этмоқда**. Қолган ҳудудлар тик қудуқлар ҳамда чашма ва булоқлар орқали ташиб келтириладиган манбалардан фойдаланилади.

Бугунги кунда, аҳолига ва юридик шахсларга етказиб бериладиган марказлашган ичимлик сув тармоқларининг қарийб 90 фоизи 60-70 йилларда тортилган бўлиб, ўзининг яроқлилик муддатини ўтаб бўлган. Натижада, ҳудудлардаги ичимлик сув корхоналарининг харажатларининг ортишига ва инқроз ёқасига келиб қолишига сабаб бўлди.

Шулардан келиб чиқиб, ичимлик сув нархини қайта кўриб чиқиш бўйича кенгаш қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб халқ муҳокамасига ҳамда депутатлар муҳокамасига қўйилди.

Бунинг натижасида оғир бўлсада депутатлар муҳокамасидан сўнг ичимлик сув нархини кўтаришга қарор қабул қилинди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида **2020 йил Инвестиция** қиймати **41 млрд. сўмлик 78 км** ичимлик сув тармоқларида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Энг аввало, муҳтарам Юртбошимизнинг “Миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало мактабгача таълим тизимидан бошланади” деган жуда катта маънони ўзида жамлаган сўзлари таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, бугунги кунда барча соҳалардаги каби, хусусан мактабгача таълим йўналишида ҳам охириги уч йилда изчил ислохотлар олиб борилмоқда.

Натижада, вилоятда мактабгача таълим қамрови **30,5 фоиз** бўлган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич **71,0 фоизга** етказилди.

Вилоятда мактабгача таълим соҳасида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишда нодавлат секторни улиши **29,6 фоизни** ташкил этмоқда.

Вилоятдаги жами **695 та** мактабгача таълим ташкилотларини **199 таси** давлат ва **496 таси** нодавлат (**14 таси** хусусий, **57 таси** давлат–хусусий шерикчилик асосида ва **425 та** оилавий) МТТлардир. **199 та** давлат МТТларининг **177 таси** (**89.0 %**) замонавий биноларда жойлашган.

Шунингдек, ҳозирда **82 та** йирик давлат хусусий шерикчилик асосидаги боғчаларнинг **73 тасига** “Туронбанк” АТБ Навоий филиали томонидан жами **150,7 млрд. сўм** (2020 йилда **8 тасига 14 110,0 млн сўм**) имтиёзли кредитлар ажратилган.

Ҳозирда имтиёзли кредит олган **73 та** лойиҳадан **57 таси** фаолиятини бошлаган бўлса, жорий йил якунига қадар яна **9 тасини** фойдаланишга топшириб, уларни сонини **66 тага** етказиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан **халқ таълими тизимири ривожлантириш борасида олиб борилаётган изчил илоҳотлар ўзининг самарасини бермоқда.**

Ўқувчиларининг олий таълимга кириш кўрсаткичлари бўйича вилоят 2017 йилда Республикада 6-ўринда турган бўлса, жорий йилга келиб **1-ўринга чиққанлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг самараси деб биламан.**

Таълим тизимида олиб борилаётган ишлар Халқ таълими вазирлиги томонидан юқори баҳоланиб, **халқ таълими ҳомийси** унвонининг берилиши—бу борадаги масуълиятимизни янада ошириш кераклигини кўрсатади.

Бунда, вилоятда фаолият олиб бораётган **20 707 нафар** ўқитувчиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда 2018 йилда соҳа ходимларининг **6 таси** давлат ва **38 таси** тармоқ мукофотлари билан тақдирланган бўлса, 2020 йилда соҳа ходимларининг **9 таси** давлат ва **46 таси** тармоқ мукофотлари билан тақдирланган.

Вилоятда қиймати **4,0 млрд. сўм (1,0 млрд. тадбиркор маблағи, 3,0 млрд. сўм банк кредити ва.х.к)** бўлган **220 та** ўқувчи ўқитиш қувватига эга бўлган **1 та** давлат-хусусий шериклик асосида мактаблар ташкил этилди;

Бундан ташқари, **3 943 қувватга** эга бўлган **4 та** математикага ихтисослашган, **100 қувватга** эга бўлган **1 та** кимё-биологияга ихтисослашган, **2 200 қувватга** эга бўлган **1 та** АКТга ихтисослашган мактаблар ташкил этилди. Жорий йилда **2,3 млрд. сўмлик** маблағлар ҳисобига (Республика бюджетидан **2,3 млрд. сўм**) **7 та мактабларнинг** моддий-техника базаси яхшиланди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта ютуқларга эришилмоқда. Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўйича етакчи мутахассислари юрак қон-томир тизимининг туғма нуқсонларини ташхислаш ва даволаш усуллари бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Ўтган қисқа муддат ичида марказда юрак туғма нуқсонлари билан хасталанган жами **127 нафар** болаларда мураккаб юрак жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг жарроҳлик амалиёти бепул ўтказилди.

Бундан тқашқари, вилоятда илк мартаба **2 нафар** беморда буйрак трансплантацияси мувофақиятли амалга оширилди ва келгусида марказнинг ушбу йўналиш бўйича вилоятлараро фаолияти кўзда тутилмоқда.

Жорий йилнинг 6 ноябр куни Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш чора-тадбирларига бағишланган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида – ҳудудларда “**тиббий хариталарни**” шакллантириш мақсадида **Навоий шаҳар** ва **Хатирчи туманлари** намунавий ҳудуд этиб белгиланди.

Бунда, 2020 йил якунигача Навоий шаҳар ва Хатирчи туманлар аҳолиси тўлиқ хатловдан ўтказилиб, уларнинг “**тиббий хариталар**”и ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги **11 та** соғлиқни сақлаш муассасаларида **37,5 млрд. сўмлик** (Республика бюджетидан **31,3** млрд сўм, маҳаллий бюджетдан **6,2 млрд. сўм**) қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳасига маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан **20,1 млрд. сўм** маблағлар ажратилди.

Вилоятида коронавирус инфекциясининг кириб келишини ва тарқалишини олдини олиш мақсадида соғлиқни сақлаш муассасаларига **17,8 млрд. сўмлик** зарурий дори воситалари, тиббий техника ва тиббий буюмлар харид қилинди.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан –**3,2 млрд. сўм**, Маҳаллий бюджетдан–**1,2 млрд. сўм**, Хомийлар маблағи (Фонд мелосердия и здр, Вилоят СЭОМ) ҳисобидан **1,7 млрд. сўм**, бошқа манбалардан (ССВлиги ва РСЭСдан)–**11,6 млрд. сўм**

Бу каби амалга оширилаётган ишлар натижаси сифатида вилоят соғлиқни сақлаш соҳасида намунали ҳудуд деб топилди. Бу эса ўз навбатида соҳадаги олдимизга қўйган режаларимизни янада мустаҳкам қилишмизни лозимлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан барча йиғилишларда аҳолини соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш ҳамда ҳудудларда оммавий спортни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу албатта бежизга эмас. Чунки, соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик оқибатида сурункали ҳамроҳ касалликлар ривожланиб боради.

Вилоятда оммавий спортни ривожлантириш, аҳолини спортга кенг жалб қилиш ҳамда зарурий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида 2018-2020 йиллар мобайнида **15,2 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлиб, шундан **5,6 млрд. сўм** қурилиш таъмирлаш ишларига, **7,7 млрд. сўм** спорт тадбирларига, **1,3 млрд. сўм** спорт жиҳозларини сотиб олишга, **500,0 млн. сўм** футболни ривожлантириш учун йўналтирилди.

Натижада сўнгги тўрт йил мобайнида вилоятдан жаҳон чемпионати ва кубогида **45 нафар**, Осиё чемпионати ва кубогида **320 анафар**, Ҳалқаро турнирларда **918 нафар** ва Республика чемпионати ва кубокларида **7047 нафар** спортчиларимиз совриндорлар сафидан жой эгаллашди.

Ҳозирги кунда, вилоятда жами **1915 та** спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, 2020 йил давомида жами **231,7 млн. сўмлик 1794 та** спорт жиҳозлари тарқатилди.

Маҳалла аҳолиси ўртасида "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз" "Нафас машқлари", "Спорт ва саломатлик", "Соғлом хаёт сари 5000 қадам" шиори остида спорт ўйинлари футбол, футзал, баскетбол, волейбол, гандбол, югуриш, пиёда юриш турлари бўйича оммавий спорт тадбирлари ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида 2020 йилги спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календар режасига асосан вилоятда **1 690 та** оммавий спорт тадбирлари ташкил этилиб жами **298 781 нафар** аҳоли иштирок этишди.

Аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг устувор йўналишлари этиб – спортнинг юриш, югуриш, мини футбол, велоспорт, бадминтон ва Маҳаллаларда Варкоут майдонларини ташкил этиш бўйича ер майдонлари ажратилди.

Шу билан биргаликда эрталабги бадантарбия ҳамда беш минг қадам юриш ва ишлаб чиқариш гимнастикаларини тизмли ташкиллаштириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширмоқдамиз.

Биргина жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб вилоятимизнинг олис ва чекка ҳудудлари бўлган Нурота тумани “Сентоб” МФЙ ҳамда Хатирчи тумани “Лангар” МФЙларида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида маҳалла аҳолиси ва тумандаги ёшлар иштирокида спортнинг футбол, волейбол, кураш, шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар ҳамда аҳоли орасида оммавий юриш марафонлари юқори савияда тизимли ташкил этилди.

Бу борада белгилаб олинган дастуримиз асосида вилоятнинг барча ҳудудларида оммавий спорт тадбирларини амалга ошириб келмоқдамиз.

2021 йилда 32 та янги спорт иншоотлари, улардан 8 та “сендвич-панель”дан кичик спорт заллари, 18 та сунъий қопламали мини-футбол майдонлари, 6 та баскетбол ва волейбол майдонлари давлат-ҳусусий шерикчилик асосида барпо этилади.

**Ҳурматли сессия иштирокчилари,
Давлатимиз раҳбари томонидан келажагимиз эгалари бўлган ёшларни қўллаб қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.**

Жумладан, ёшлар маънавиятини юксалтириш, маданий савиясини ривожлантириш, ёшларни спортга жалб этиш бўйича ташаббусларни кенг жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, **5 та ташаббуснинг** ҳар бир йўналиши бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, **5 та ташаббус** доирасида ҳар бир ёш билан учрашилиб, хонадонига бориб, ота-онаси, ўқитувчилари билан суҳбатлашилди.

Шундан келиб чиқиб, **ёшларимизнинг қизиқишлари инобатга олиниб**, (222 523 нафар) ёшларнинг **30 фоизини** маданият ва санъатга (66757 нафар), **30 фоизини** жисмоний тарбия ва спортга (66802 нафар), **15 фоизини** (33379 нафар) компьютер саводхонлигига ва **25 фоизини** (55585 нафар) китобхонликка жалб этилди.

Мазкур бешта муҳим ташаббус доирасида **2700 тадан** ортиқ тадбирлар ўтказилиб, **220,1 минг (96 %)** нафар ёшлар қамраб олинди.

Ҳар бир оммавий тадбир, йирик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташкилий қўмита ёки ишчи гуруҳлар тузилиб вазифалар тақсимланади ва шу асосда ишларни ташкил этиш назарда тутилади.

Ушбу мақсадалар учун **36 млрд сўмдан** ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Бунда, 1-ташаббусга – 851,4 млн сўм, 2-ташаббусга–19 709 млн сўм, 3-ташаббусга–9 791 млн сўм, 4-ташаббусга–902 млн сўм, 5-ташаббусга–4 854,5 сўм маблағлар йўналтирилган.

Биринчи ташаббус бўйича **муסיқа, рассомчилик, адабиёт, театр ва санъатнинг** бошқа турлари бўйича

1423 та тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда **25 317 нафар** ёшлар дарс машғулотларига иштирок этиб келмоқда.

Иккинчи ташаббус яъни бўйича **спорт** турлари бўйича **2 382 та** тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда **51 093 нафар** ёшлар машғулотларга иштирок этиб келмоқда.

Учинчи ташаббус компьютер технологиялари йўналишида 737 та тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда **15 035 нафар** ёшлар дарс машғулотларига иштирок этиб келмоқда.

Навоий вилоятида инновацион муҳитни шакллантириш, ёшларнинг ахборот-технологиялари, дастурлар яратиш борасидаги салоҳиятини ошириш мақсадида Навоий шаҳри, Кармана, Хатирчи туманларида замонавий **“Рақамли технологиялар ўқув маркази”** ташкил этилди.

Тўртинчи ташаббус бўйича вилоятдаги жами **431 та** ахборот-кутубхоналарининг **2,3 млн.дона** китоб фонди ҳисобига **120** минг нафар аҳоли ва ёшлар китобхонликка жалб этилди.

Шунингдек, ёшларга намуна бўлиш мақсадида, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалари ходимлари ўртасида китобхонликни янада кенг тарғиб қилиш мақсадида **“Ҳар ҳафтада бир китоб мутола қиламиз”** интеллектуал танлови ўтказилиб келинмоқда.

Бешинчи ташаббус бўйича **1933 нафар** ёш хотин қизлар касб-ҳунарга ўқитилган бўлса, **4287 нафарининг** бандлиги таъминланди, **1901 нафар** аёлларга тикув машинкалари олиб берилди.

Вилоят аҳолисининг хавфсизлигини таъминлашда жониятчиларни жазолаш эмас, балки жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга ошириломоқда.

Жумладан, жиноятчиликни камайтириш борасида барча ҳудудларда 4 та сектор раҳбарларининг бевосита иштирокида жиноят ва маъмурий ҳолатлар муҳокамаси кучайтирилиб, уларнинг сифати ва натижадорлигига эътибор қаратилмоқда.

Ҳалқ депутатлари, вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг **10 дан** ортиқ ҳисоботлари эшитилди.

Жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларнинг рўйхатлари шакллантирилиб, улар билан кунлик сўров ва якка тартибдаги суҳбатлар йўлга қўйилди. Суҳбат жараёнида аниқланган муаммоларни жойида бартараф қилиш тизими ҳам ишлаб чиқилди.

Ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва жума кунлари **“Профилактика куни”** тадбирларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиб, тадбир ўтказиш белгиланган маҳаллани **3 кун** давомида тўлиқ қамраб олишга эришилмоқда.

Вилоятнинг жиноятчилиги босқичма-босқич камайишига, йил якунига қадар барча соҳадаги жиноятлар кўрсаткичлари республика миқёсида камайишига эришилади.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, содир этилганларини фош этиш борасида амалга оширилган тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар ҳамда **“Маҳалла тинч бўлса, юрт тинч бўлади”**-деган шиор остида олиб борилган ишларимиз натижасида **жорий йилда** вилоятимиз ҳудудидаги **307 та** маҳалла фуқаролар йиғинидан **162 тасида (52,8 %)** бирорта ҳам жиноят содир этилмади,

Вилоятда маданият соҳасини ривожлантириш орқали юртимизни дунёга таратиш масаласи олдимизда турган энг биринчи масала саналади.

2019 йилда анъанавий тарзда ўтказилган республика ва хақаро кўрик-танловларда **41 нафар** ёшларимиз ғолибликни қўлга киритган бўлса, 2020 йилда онлайн тарзда ўтказилган **279 та** республика ва хақаро кўрик-танловларда **268 нафар** ёшларимиз соврундорлар қаторидан жой олдилар.

Буюк Ипак йўлининг Зарафшон-Қорақум қисмида жойлашган “Работи Малик”, “Сардоба”, “Мирсаид Баҳром”, “Қосим Шайх”,

“Мавлоно Ориф Деггароний” маданий мерос объектларини ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси ёдгорликлари рўйхатига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бунда, умумий лойиҳа қиймати **1,1 млрд.сўм** бўлган Навоий вилоят Туризмни ривожлантириш бошқармаси ва МИЦАИ ташкилоти ўртасида икки томонлама шартнома имзоланган ва бугунги кун ҳолатига шартнома шартларига кўра **750,0 млн.сўм** бошланғич тўловлар амалга оширилган.

Ҳозирги кунда МИЦАИ ташкилоти томонидан илмий изланиш ва тегишли экспертларни жалб қилиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ўтган давр моайнида **800 млн.сўм** маблағлар эвазига **1 та** зиёратгоҳ (“Қосим Шайх” зиёратгоҳи), **1,4 млрд.сўм** маблағлар эвазига **1 та** маданий (“Мирсаид Баҳром” мақбараси) мерос объекти таъмирланди.

8,5 млрд.сўм маблағлар эвазига **2 та** маданий мерос объектлари (Конимех туманидаги “Мих ота” масжиди ва Нурота туманидаги “Чашма” комплекси) қайта таъмирланмоқда.

Ушбу мақсадлар учун республика бюджетидан **8,2 млрд сўм**, маҳаллий бюджетдан **2,5 млрд сўм** ажратилди.

Мамлакатимизда мустаҳкам фуқаролик жамиятини қуриш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бунда аввало аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, жорий йилнинг 2 сентябр куни “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунни маъқулланди. Бугунги кунда “гендер тенглик қонуни” дейилаётган ушбу муҳим ҳужжат аёлларимизнинг жамиятдаги ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга муносиб хизмат қилади.

Вилоятда жами банд аҳолининг **49 фоизини** ёки **190 минг нафарини** аёлларимиз ташкил этади.

Шундан, **854 нафар** аёллар бошқарув органлари, корхона ва ташкилотларда фаолият кўрсатиб, таълим соҳасида **320 нафар**,

соғлиқни сақлаш тизимида **56 нафар**, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида **12 нафар**, хусусий секторда **305 нафар**, бошқа соҳаларда **161 нафар аёллар** фаолият юритиб келмоқда.

Вилоят сиёсий фаол аёллар сони **119 нафарни** ташкил этиб, шундан **2 нафари** Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутати, **2 нафари** Олий Мажлис Сенати аъзоси, **23 нафари** вилоят кенгаши депутати, **92 нафари** эса туман (шаҳар) кенгаши депутати бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

1991-2020 йилларда **208 нафар** хотин-қизлар Давлат мукофотлари ва кўкрак нишонларига сазовор бўлган. (**9 нафар** Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони, **71 нафар** Ўзбекистон Республикасининг орденлари, **74 нафар** Ўзбекистон Республикасининг медаллари, **8 нафар** Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи, **24 нафар** Зулфия номидаги Давлат мукофоти, **24 нафар** “Мўтаъбар аёл” кўкрак нишони, **2 нафар** “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони)

Вилоятда **36 нафар** фаол ва ташаббускор аёллардан иборат таркибда хотин-қизлар жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди.

Вилоятимизда мазкур тавсиянома асосида **28 нафар** хотин-қизларимиз Олий таълим муассасаларига грант асосида ўқишга қабул қилиниб талабалик бахтига эришдилар.

Жорий йилнинг 10 ойи давомида **4551 нафар** фаол ва тадбиркор аёлларимизга **156,7 млрд. сўм** миқдорида кредитлар ажратилди.

Навоий вилоят Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази томонидан жорий йил 10 ойи давомида **3700 нафар** хотин-қизлар **22 йўналиш** бўйича касб-ҳунарга ўқитилди.

Вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси томонидан 2020 йил 2 декабрь куни Хатирчи тумани "Боғчакалон" маҳалла фуқаролар йиғини биносида **15 нафар** "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар учун "Мева сабзавотчилик соҳасида бизнес кўникмаларини шакллантириш ҳамда иш юритиш,

тадбиркорликни йўлга қўйиш" бўйича семинар-тренинг ўтказилди ва сертификат топширилди.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида **7019 нафар** хотин-қизлар доимий ишга жойлаштирилди, **20770 нафари** ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, **4626 нафарига** ишсизлик нафақаси тайинланди, Бандлик бош бошқармаси томонидан **1698 нафар** хотин-қизлар касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқитилди, шунингдек, қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш орқали **513 нафар** аёлларнинг бандлиги таъминланди.

Вилоятдаги барча туман(шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникаларида **“Қизлар саломатлиги маркази”, “Аёллар маслаҳатхонаси”** ташкил этилган бўлиб, хотин-қизлар муаммолари бўйича малакали мутахассислар фаолият юритмоқда.

Вилоят ўзининг чўл ва соҳил бўйи, зиёрат, саноат туризми йўналишлари билан бошқа вилоятдан ажралиб туради. Ички туризм бўйича **Республикада 2-ўринда** (хорижий сайёҳлар бўйича **10-ўрин**) туради.

Вилоятга ўтган 2019 йилда **53 та** хорижий давлатлардан **57,4 минг** нафардан ортиқ хорижий туристлар келган бўлиб, 2018 йилга нисбатан **(27,1 минг) 111,8%га** кўпайган эди.

Бироқ, 2020 йилда **пандемия сабабли** хорижий туристлар сони **2,8 минг** нафарни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари томонидан туризм соҳасини ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида ички туризм оқимини мунатазм йўлга қўйиш бўйича вилоят ҳокимлиги 13 та ҳудуд билан меморондумлар имзоланди.

Вилоятда ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида ўтган давр мобайнида хорижий ва маҳаллий туристлар учун **4 та** туризм ахборот маркази, **51 та** туристик объектларга олиб

борувчи йўл кўрсатгич белгилари, **121 та** туризм объектларда Wi-Fi ҳудуди ташкил қилинди. **36 та** туристик синфга мансуб автобуслар, **24 та** микроавтобуслар ва **7 та** электромобиллар, **25 та** туроператорлар, **40 та** гид-таржимонлар томонидан маҳаллий ва хорижий фуқороларга сайёҳлик хизматлари йўлга қўйилди.

Навоий вилоятидан ўтувчи “Ўзбекистон туризм магистрали” (М-37 автомагистрал йўли) туризм транспорт коридоридаги амалга оширилиш мақсадида қиймати **19,5 млрд.сўмни** ташкил этадиган меҳмонхона ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди.

Шундан: Кармана туманида **“Шарқ Қурилиш Сервис” МЧЖ** томонидан (лойиҳа қиймати **12 млрд. сўм**) меҳмонхона лойиҳаси, **“Жанубий Изоляция Плюс” ХК** томонидан (лойиҳа қиймати **3,5 млрд.сўм**) меҳмонхона лойиҳаси, **“Навоий тоур” МЧЖ** томонидан (лойиҳа қиймати **1,0 млрд.сўм**) сайёҳларга хизмат кўрсатиш мажмуаси, Қизилтепа туцманида **“Дилшодбек Бахромбек келажаги” МЧЖ** томонидан (лойиҳа қиймати **1,5 млрд.сўм**) меҳмонхона ва савдо комплекслари лойиҳаси, **“Сибир Нури” МЧЖ** томонидан (лойиҳа қиймати **1,5 млрд. сўм**) тирпарк ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш комплекси лойиҳалари. Хозир мазкур объектларнинг қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятда ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ҳам ижобий натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, Вилоятдан 17,0 минг фуқаро, хусусан, **53%** Россия Федерациясида, **38%** Қозоғистонда, **2%** Корея Республикасида ва **7%** бошқа мамлакатларда меҳнат қилмоқдалар.

2020 йил давомида **10** мартаба хорижий иш берувчилари миграция агентлиги билан ҳамкорликда ишга танловлар ўтказилди, бу танловларда жами **301** киши қатнашиб, уларнинг **131** нафари хорижда хавфсиз, қонуний меҳнат қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хорижда ишлаш истагини билдирган фуқаролардан **1124** нафари **14** та касб-ҳунарга ва **3** та хорижий тилларга қисқа муддатли курсларда қайта ўқитилди.

Бу мақсадда вилоятимизнинг барча ҳудудларида **13** та касбга-ҳунарга ўқитиш марказлари ташкил этилган ва таълим олаётган фуқароларга стипендия бериш ташкил этилган.

Россия давлат халқлар дўстлиги университети мутахассислари томонидан вилоятимизнинг **19** нафар рус тили ўқитувчилари малакаси оширилди. Ушбу ўқитувчилар ёрдамида ҳозирда хорижда ишлаш истаги бўлган фуқароларга меҳнат мигрантлари учун мослаштирилган махсус рус тили курслари йўлга қўйилди.

Хорижда муносиб иш ўринларини ва иш берувчиларни топиш мақсадида Россия Федерациясининг Москва шаҳри, Ямало-ненецкое автоном округи, Москва, Тюмень, Амур, Самара областлари, Финляндиянинг Лаппеенрантэ шаҳри мутасадди идоралари билан ҳамкорлик ўрнатилди.

Хорижий иш берувчилар томонидан хорижга кетиш истагида бўлган фуқароларни манзилли онлайн ўқитиш тизими йўлга қўйилган. Ҳозирда **20** нафар хорижда ишлаш истагини билдирган фуқароларга меҳмонхона хизмати йўналиши бўйича Россиянинг “МК Ресурс” компанияси томонидан онлайн дарслар ўтилмоқда.